

9-10-2019

AESTHETIC EDUCATION, ITS FEATURES AND STRUCTURE

I. Arzimatova

F.D.U.andidate of Philosophical Sciences, Associate Professor

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Arzimatova, I. (2019) "AESTHETIC EDUCATION, ITS FEATURES AND STRUCTURE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 35.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/35>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

AESTHETIC EDUCATION, ITS FEATURES AND STRUCTURE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ, УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СТРУКТУРАСИ

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна

Фарғона давлат университети доценти, Фалсафа фанлари номзоди, дотцент.

Аннотация: Мазкур мақолада эстетик тарбиянинг асосий аспекти масалалари юзасидан мавжуд нуқтаи назарлар, эстетик тарбиянинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: эстетик тарбия, структура, хусусият, санъат, назария, жараён, одам, индивид, индивидуаллик, тарбиявий фаолият, баркамол авлод, меҳнат.

ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ, ЕГО ОСОБЕННОСТИ И СТРУКТУРА

Арзиматова Иноятхон Мадимаровна

ФерГУ., кандидат философских наук, доцент.

Аннотация: В данной статье рассматриваются существующие подходы к основным аспектам эстетического воспитания, сущности эстетического воспитания.

Ключевые слова: эстетическое воспитание, структура, характер, искусство, теория, процесс, личность, индивидуальность, воспитательная работа, гармоничное поколение, труд.

AESTHETIC EDUCATION, ITS FEATURES AND STRUCTURE

I. Arzimatova

F.D.U. candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor.

Abstract: This article discusses existing approaches to the main aspects of aesthetic education, the essence of aesthetic education.

Key words: aesthetic education, structure, character, art, theory, process, person, individual, individuality, educational activity, harmonious generation, labor.

Кейинги йилларда эстетик тарбия муаммоларига бўлган қизиқишнинг кескин ортиши, унинг мақбулликдан ижтимоий зарур жараёнга айланиши билан боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳам назарий, ҳам амалий характердаги илмий ва оммабоп адабиётларда ўз аксини топди [1].

Таъкидлаш жоизки, эстетик тарбия муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда маълум натижаларга эришилди. Бироқ, ушбу муаммо кўтариб чиққан кўплаб тадқиқотлар сезиларли даражада илмий таъсир кучига эга бўлмади. Ўз навбатида эстетик тарбия тамойилларини амалиётга тадбиқ қилишга бағишланган амалий характердаги тадқиқотлар аксарият ҳолларда жиддий назарий-методологик асосга эга бўлмаганлиги сабаб, юксак самарадорлиги билан ажралиб турмайди. Буларнинг барчаси ушбу муаммолар ҳали-ҳамон ишлаб чиқариш босқичида эканлигидан далолат беради ва бу ўз навбатида мазкур назариянинг муҳим жиҳатлари юзасидан муқаррар равишда фикрларнинг турли-туман бўлишига олиб келади. Эстетик тарбия кўп асрлар давомида кишилар

эътиборини ўзига жалб қилиб келган; ушбу масала юзасидан баъзи муаммоларнинг классик талқинини Платон ва Аристотелнинг таълимотларидаёқ учратишимиз мумкин. Уларда аксарият ҳолларда санъатнинг инсонга тарбиявий ва бошқа таъсирлари ҳақида назарий таърифлар келтирилади. Эстетик тарбия назариясининг узоқ вақт мобайнида ихтиёрий, спорадик(тасодифий)мавжуд бўлишини, жамиятда оммавий эстетик тарбия дастурига иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжнинг бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жаҳон тарихида илк бор ҳар бир кишини баркамол, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган меҳнатнинг фаол, онгли ва эркин иштирокчиси сифатида шакллантириш вазифаси қўйилди. Ҳаракатланувчи тизим сифатида фаолият кўрсатувчи жамиятнинг бутун фаолияти айнан шу турдаги одамларни шакллантиришга йўналтирилган.

Шундан жамиятнинг одамларга таъсир кўрсатиш механизмини фаоллаштириш зарурати келиб чиқади, бунда нафақат ўсиб келаётган авлод, келажак кишиси, шу билан бир қаторда ўз меҳнати билан бу келажакни қураётган замондошларимиз ҳам назарда тутилади. Шу сабабли тарбиявий ишни қуйидагиларга йўналтириш зарур: а) ҳозирги авлод, б) келажак авлоди. Бунда нафақат ижтимоий тарбиянинг тарихан шаклланган механизмларини фаоллаштириш, шу билан бирга номақбул, зид таъсирларга йўл қўймаслик мақсадида, уларнинг ҳар бирини тарбиянинг яхлит тизимидаги аҳамияти ва ўрнини белгилаш керак. Жамият ҳақидаги фаннинг зарурий таркибий қисми бўлган эстетик тарбия назариясини ривожлантирмасдан туриб бунинг имкони бўлмайди, бу эса ўз навбатида бундай назария мавзусининг таҳлили ва унинг чегарасига алоҳида эътиборни талаб қилади, жумладан, тадбирларнинг амалий дастури ҳақиқатан ҳам эстетик тарбиянинг барча жиҳатларини қамраб олиши ва у бошқа педагогик шакллар томонидан сиқиб чиқарилиб, ўрнини эгаллашмаслиги учун улар билан ҳамкорликда ривожланиши керак.

Одамни тарбиялаш имкониятларининг спектри битмас-туганмасдир. Тарбия бу – индивидни жамият томонидан қабул қилинган ва қоида тусини олган тартибларининг умумийлаштирилган шакли асосида ижтимоийлаштиришдир [2]. Одам бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатувчи мураккаб жараёнлар тизимида шаклланадики, унда ижтимоийлаштиришнинг олдиндан ўйланмаган ва ўйлаб қўйилган шакллари фарқлаш керак бўлади, бунда тарбиячининг фаолияти ушбу шаклларнинг иккинчиси сифатида англанади.

Бундан ташқари, индивидуаллик, ижтимоийлаштиришнинг олдиндан ўйланмаган ва ўйлаб қўйилган шакллари шунчаки ўзаро таъсири ва ҳамкорлигида шаклланиб қолмайди, шу билан бирга унинг ҳар икки шаклини ўзаро таъсири, инсон организмнинг биологик детерминизациялашган жараёнларининг ўсиши ва қайта қурилиши таъсирида ҳам ривожланади. Ижтимоий ва биологик детерминизациялар ўзаро таъсирининг ривожланаётган натижаси, одамнинг интеграл тавсифи ҳисобланади – одам индивид (шахс, шахсият) сифатида: "... ҳар бир одам доим ҳам индивид, ҳам бетакрор маҳсулот, ҳам уни меҳнат қилиш, билиш ва муносабатда бўлиш субъекти сифатида шакллантирган

мутлақо аниқ табиий ва ижтимоий шароитлар ва вазиятлар конвергенция (мустақил ҳодисаларнинг баъзи белги ёки хоссалар жиҳатидан бир-бирига ўхшашлиги)сининг ягона натижаси сифатида намоён бўлади” [3].

Индивидуалнинг шахс сифатида шаклланишида ижтимоийлаштириш устувор аҳамиятга касб этса, ижтимоийлаштириш тизимида эса бундай вазифани институционал ижтимоийлаштириш, яъни тарбия амалга оширади. Институционал ижтимоийлаштириш тизимининг мураккаблашиши ва унинг аҳамиятини ошиши институционал ижтимоийлаштиришнинг интеграл назариясини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Эстетик тарбия назарияси ана шундай тарбия назарияси бўлади деб тахмин қилиш мумкин. Бунда эстетик тарбия мавжуд педагогик назариялардан бири бўлиб қолмасдан, педагогик назариялар мажмуасининг ривожланиб, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш жараёнини белгиловчи бир бутун назарий тизимга айланишининг натижаси бўлади. Оммавий ҳодиса сифатида бундай шахс турининг пайдо бўлиши жамиятдаги ижтимоий ва илмий-техникавий жараёнлар бирлигини қайта қуришни талаб қилади.

Баркамол инсон - бeнуқсон фазилатлар, баркамол хислатлар, мукамалликнинг қонунлаштирилган намунаси эмас; аксинча, бундай инсон яширин имкониятларини юзага чиқарувчи, ўзини ижтимоий фаолият ва воқелиқда энг мақбул намоён қилувчи инсондир. Бунинг натижасида барча асосий кўрсаткичлар бўйича – маънавий, ақлий, жисмоний ҳар томонлама ривожланган кишилар ўртасида хилма-хиллик мавжуд бўлиб, у бундай жиҳатларнинг абстракт бирлиги эмас [4].

Бу ерда ривожлантирилаётган эстетик тарбияни тушуниш кенгайтирилгандек туюлиши мумкин. Эстетик тарбия назариясининг интеграл сифатида чиқиш ҳуқуқи шубҳа остига олинган тақдирда ҳам, унинг зарурлигига эътироз бўлиши ҳам мумкин эмас.

Эстетик тарбияни бошқача тушуниш ҳам мавжуд. Мисол учун, М.С.Каганнинг фикрича, “эстетик тарбия бу – фақат бошқа барча тарбиявий фаолиятнинг муайян томони, ёки ўзига хос аспектидир ” [5]. Бу ерда ривожлантирилаётган нуқтаи назардан бирмунча фарқли тавсифни Г. З. Апресян беради: “Эстетик тарбия – жамият маънавий маданиятининг муҳим элементи ва шу билан бирга қудратли воситасидир. У – меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбия каби, тарбия шакли ҳисобланади” [6].

Бироқ, таклиф қилинаётган эстетик тарбия назариясини интеграл қабул қилиш адабиётларда ўз аксини топган: “Эстетик тарбияни яхлит шахсни шакллантириш воситаси сифатида кенг маънода тушуниш Маркснинг “гўзаллик қонунияти” асосида ҳаракат қилувчи ижодкор homo aesthetikus келажак одами ҳақидаги фикрини конкретлаштиради” [7].

Эстетик тарбия инсоннинг ҳис-туйғу ва маънавиятига эстетик муносабат воситасида таъсир кўрсатиш механизми орқали амалга оширилади. Тарихдан ижтимоийлаштиришнинг эстетикадан ташқарида, мисол учун ўтмишда, кишиларга тан жароҳати етказиб жазолаш, ижобий ёки салбий омилларнинг соф биологик воситалар орқали бўлган йўллари ҳам маълум. Ҳақиқий гуманистик

тарбия бундай усулларни рад этиб, уларнинг ўрнига эстетик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланади. Эстетик муносабат инсонларга хос бўлиб, бу маънода одамнинг воқеликка ижтимоий муносабатини англатади. Унинг ўзига хослиги шундаки, у зарур эмоционал кечинмалар акти билан яқунланади ва бунда ҳаракат объектига “холис, беғараз” муносабатда бўлиб, уни сақлаб қолишга йўналтирилади. Бу каби кечинмаларни биологик қониқиш эмас, балки ижтимоий-маънавий эҳтиёж таъминлайди. Баравар миқдорда эстетик кечинмаларни одамни ўраб турган табиат, илмий кашфиёт ёки илмий назария, маънавий ҳаракат, меҳнат жараёни ва меҳнат жараёнининг натижаси, бадий асар келтириб чиқариши мумкин. Воқелик инсонга стихияли равишда эстетик таъсир кўрсатади ва бу таъсир тарбия акти воситасида ташкилланади. Бундай тарбия эстетик тарбия деб аталади.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда инсоннинг воқеликка эстетик муносабати деганда, бу жараён эмоционал реакция билан моҳият ҳодисаси билишнинг бирлиги ва кишининг бир бутун, бўлинмас тажрибаси билан мослиги сифатида тушунилади, бунда у ўзаро муносабатни аниқлайди. Моҳият ҳодисасида онгли ёки онгсиз, интуитив анланган билан одам тажрибасининг мослиги ижобий, мос келмаслиги эса салбий баҳолаш-реакция уйғотади.

Эстетик тарбия ҳам, бадий тарбия ҳам ўз спецификасига эга. Бадий тарбиянинг асосий аспекти куйидагилар:

1. Турли ўқув-педагогик даражада – бошланғич, ўрта, олий, бадий фаолиятга ўргатиш(ҳаваскор-санъаткор ва профессионал-санъаткор). Бу ерда кўп сонли институтлар: бадий мактаблар, техникумлар(ҳозир коллежлар), олий ўқув юртли ва х.к. фаолият кўрсатади.
2. Санъатни тушунишга ўргатиш, масалан, музейлар қошидаги тўғарақларда, мактабдаги адабиёт дарсларида, мусиқий лекторияларда. Бу бадий тарбиянинг мустақил аспекти бўлмаса-да, бироқ унинг аниқ белгиланган чегаралари мавжуд, уни ҳатто ташкилий жиҳатдан ҳам фарқлаш мумкин.
3. Санъат билан ўқитиш ва тарбиялаш. Санъат инсонни ўқитишда ҳам, уни тарбиялашда ҳам, биринчи навбатда маънавий тарбия, самарали восита саналади (М.С.Каган бўйича) [8].
4. Одамни ижод натижалари билан эмас, ижодий жараённинг ўзи билан ижодий фаолиятга ўргатиш. Ижоднинг барча турлари умумийлик, инвариант структурага эга бўлишини фараз қилиш мумкин. Санъат бошқа ижтимоий ҳодисалардан фарқли равишда, зарурат пайдо бўлганда ижодий тасаввурга, фантазияга мурожаат қилиши мумкин. Санъат билан ҳам продуктив, ҳам репродуктив алоқада бўлганда инсоннинг ижодий қобилиятлари ривожланади, бу нарса унинг кейинги фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ижодий самарасини кўрсатади.

Бадий тарбиянинг юқорида зикр қилинган аспекти бадий тарбия назариясининг мос равишдаги бўлимни пайдо бўлишига олиб келади. Бу ерда ушбу аспекти кўрсатиб ўтиш билан чекланиб, албатта, бу тадқиқотнинг оптимал даражаси бўлмасада, уларнинг координация(ўзаро мослик)си ва субординацияси масалаларига диққатни йўналтирмасликка тўғри келади.

Шундай қилиб, эстетик тарбия ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантирувчи мураккаб, кўп қиррали механизмдир. Албатта, бу жараённинг охир-пировардидаги мақсади, ўз ҳаётининг барча соҳаларида атрофидаги олам билан эстетик муносабатда бўлувчи - homo aesthikus (эстетик одам)дир. Меҳнат, мулоқот, санъат – одамни воқеликка эстетик муносабатининг асосий жабҳалари саналади.

References:

1. Djibladze G. Prinsipii esteticheskogo vospitaniya, t. 1. Tbilisi, 1971; Kiyashenko N.I. Voprosi formirovaniya sistemi esteticheskogo vospitaniya v SSSR. M., Leyzerov N.L. V poiskax i borbe. (Iz istorii esteticheskix vozzreniy i esteticheskogo vospitaniya v Sovetskoj Rossii). M., 1971; Razumnyj V.A. Esteticheskoe vospitanie. (Sushnost. Formi. Metodi.). M., 1969; Voprosi teorii esteticheskogo vospitaniya. Pod. Red. G.Z. Apresyana. M., 1970; Trud i esteticheskoe vospitanie. Otv. red. V. I. Asmolova. Riga. 1969, i dr.
2. Chelovek i obshestvo, vip. 9. Problemi sotsializatsii individa. L., 1971.
3. Bodalev A.A. Vospriyatie cheloveka chelovekom. L., 1965, s. 16.
4. Garmonicheskij chelovek. M., 1965.
5. Kagan M.S. Leksii po marksistko-leninskoy estetike. L., 1971, s.223.
6. Apresyan G.Z. Osnovi i xarakter sovetskogo esteticheskogo vospitaniya. – V kn.: Voprosi teorii esteticheskogo vospitaniya. M., 1971, s. 14.
7. Voynar I. Esteticheskoe vospitanie. – V kn.: Filosofskaya ensiklopediya, t. 5. M., 1970, s. 578.
8. San'atning tarbiyaviy-ta'limiy imkoniyatlari o'ziga xos cheklanganligini ta'kidlash joiz: "Zaruriy hayotik tajribasiz, san'at bilan qiziqish rivojlanishning bir tomonlama bo'lishiga olib kelishi mumkin. Bunda san'at, qaysidir ma'noda hayot maktabi bo'lmay qaladi, u o'zi alohida olamga aylanib, tasavvurni o'ziga bo'ysundirishi va hatto real hayotni qadosizlantirishi mumkin". (Xolostova T.V. Eticheskoe vospitanie. L., 1970, s. 26.)